

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ЖУМАНИЯЗОВ ИНОМЖОН ТУРАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ
ЖАМҒАРМАСИ МОЛИЯВИЙ МАБЛАҒЛАРИДАН САМАРАЛИ
ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Жуманиязов Иномжон Тураевич

Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармаси
молиявий маблағларидан самарали фойдаланиш йўллари..... 3

Жуманиязов Иномжон Тураевич

Пути эффективного использования финансовых ресурсов Фонд
реконструкции и развития Республики Узбекистан 27

Jumaniyazov Inomjon Turayevich

Ways of effective use of financial resources of the fund for reconstruction
and development of the republic of uzbekistan 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ЖУМАНИЯЗОВ ИНОМЖОН ТУРАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИҚЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ
ЖАМҒАРМАСИ МОЛИЯВИЙ МАБЛАҒЛАРИДАН САМАРАЛИ
ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Iqt381 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим портали (www.zivonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хайдаров Низомиддин Хамраевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: admin@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги ____ - рақамли реестр баённомаси.)

И.Н.Қўзиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., доцент

С.У.Меҳмонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

Ж.И.Каримқулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Халқаро амалиётда йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқариш объектларини барпо этиш мақсадида иқтисодиётни жадал ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни хорижий инвестициялар билан ҳамкорликда амалга ошириш борасида суверен фондлар ўз маблағлари билан инвестицион ва инновацион жараёнларни фаоллаштирувчи кучга айланган. 2018 йил маълумотларига кўра “50 дан ортиқ давлатда 80 дан ортиқ суверен фондлар ташкил этилган бўлиб, уларнинг умумий капитали 8,1 трлн АҚШ долларидан ортиқни ташкил этади”¹. Суверен фондлар ташкил этилиш географиясига назар ташласак, “40,24 фоизи Яқин Шарқ мамлакатларига, 39,74 фоизи Осиё минтақасига, 13,11 фоизи Европага, 2,8 фоизи Америкага, 2,7 фоизи Африкага ва 1,4 фоизи бошқа мамлакатларга тўғри келади”². Дунё мамлакатларида суверен фондлар етарли даражада тараққий этган бўлиб, улар тўпланган молиявий ресурсларни инвестицияларга трансфер қилиш, қулай ва юқори таваккалчиликсиз самарали тақсимлаш вазифасини ўтамоқда. Бунда фондлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳон иқтисодиётидаги кескин рақобат шароитида молиявий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда тикланиш ва тараққиёт жамғармалари маблағларидан самарали фойдаланишга қаратилган кўпгина илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Халқаро Валюта фонди каби етакчи молиявий институтлар томонидан тикланиш ва тараққиёт жамғармалари фаолияти билан боғлиқ иқтисодий тараққиёт кўрсаткичлари ва ташқи бозор конъюктурасини прогнозлаш ҳамда эконометрик моделлаштириш орқали тараққиёт йўналишларини белгилашга йўналтирилган илмий тадқиқот ишларига устуворлик берилмоқда. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда, жумладан Миллий фаровонлик фондлари институти тадқиқотларида тикланиш ва тараққиёт жамғармалари даромадлар манбаларини диверсификациялаш ва барқарорлигини ошириш, бошқа томондан эса, жамғарма маблағлари сарфланишининг манзиллиги таъминлаш ва натижадорлигини ошириш йўналишларини белгилашга асосий эътибор қаратилмоқда. Мазкур ҳолат тикланиш ва тараққиёт жамғармалари жамғармалари маблағларидан самарали фойдаланиш борасида илмий тадқиқотларни тизимли равишда олиб боришни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб

¹ Суверен фондлар институтининг расмий сайти. – Sovereign Wealth Funds Institute (SWFI) <https://www.swfinstitute.org/fund-rankings/sovereign-wealth-fund>

² Суверен фондлар институтининг расмий сайти. – Sovereign Wealth Funds Institute (SWFI) <https://www.swfinstitute.org/fund-rankings/sovereign-wealth-fund>

чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш”³ муҳим вазифалардан бири этиб белгиланган. Мазкур вазифани ижобий тарзда амалга оширишда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ролини ошириш, унинг маблағларидан самарали фойдаланиш долзарб масала ҳисобланади. Шу сабабдан, миллий иқтисодийни барқарорлаштириш шароитида Жамғарма фаолият самарадорлигини ошириш, даромад базасини мустаҳкамлаш ҳамда истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда молиявий маблағларидан самарали фойдаланиш, фаолият йўналишларини диверсификациялаш, халқаро стандартлар асосида шаффофликни таъминлаш каби масалалар алоҳида долзарблик касб этмоқда. Мазкур жиҳатларга эришиш миллий иқтисодийда янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш орқали халқаро рақобатдошлик ва инвестицион салоҳиятини оширишда, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 8 январдаги ПФ-5614-сонли “Иқтисодийни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 17 январдаги “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сонли Фармонлари, 2017 йил 18 декабрдаги ПҚ-3437-сонли “Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори ҳамда Жамғарма молиявий маблағларидан самарали фойдаланиш ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодийни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суверен фондлар фаолияти, унда юзага келадиган молиявий муносабатлар, хусусан Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси молиявий маблағларини шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш масалалари хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар, илмий асарлар, рисоалар ва мақолаларда ўз аксини топган.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида/Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б.

Улар қаторига иқтисодчи олимлардан, хусусан: E.V.Sojli, W.T.Wing, F.Shih-Ping, J.Ander, P.Teply, A.Johan, A.Knill, N.Mauck, A.Rozanov, С.Ю.Витте, Р.Ф.Харрод, Э.Х.Хансен, М.Г.Баронова, А.В.Навой, Л.И.Шалунова, Е.А.Васин, А.В.Левченко, А.Н.Сухарев, А.Б.Золотарева, В.В.Кудряшов, М.В.Данилина, К.Н.Келимбетов⁴ ва бошқалар томонидан суверен фондлар илмий-назарий тадқиқ предмети сифатида ўрганилган. Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Т.С.Маликов, Н.Х.Ҳайдаров, Н.Х.Жумаев, А.В.Вахобов, Ж.Ҳ.Атаниёзов, Э.Д.Алимардонов, М.Б.Султонбоевалар⁵ ишларида суверен фондлар фаолияти хусусан Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг айрим жиҳатлари ҳамда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги иштироки масалалари очиб берилган.

Таъкидлаш лозимки, республикамиз олимлари томонидан Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси молиявий маблағларидан самарали фойдаланиш

⁴ Elvira Sojli, Wing Wah Tham, "The Impact of Foreign Government Investments: Sovereign Wealth Fund Investments in the United States" In Institutional Investors in Global Capital Markets. Published online: 08 Mar 2015; 207-243., Fan Shih-Ping. Analysis of China's swfs development and affected politics and economy. The Journal of East Asian Affairs, Vol. 24, No. 1 (Spring/Summer 2010), pp. 83-115. Institute for National Security Strategy. <http://www.jstor.org/stable/23258206>., Jan Ander, Petr Teply.Sovereign wealth funds in theory and practice. Karolinum Press, 2014, Sofia A Johan, April Knill and Nathan Mauck. Determinants of sovereign wealth fund investment in private equity vs public equity. Journal of International Business Studies, Vol. 44, No. 2 (February/March 2013), pp.155-172. Palgrave Macmillan Journals. <http://www.jstor.org/stable/23434175>, Rozanov A. Who holds the wealth of nations? // Central Banking Journal. - 2005. May. - Volume XV. - Number 4. - P. 52-57., Витте, С.Ю. Конспект лекций о народном и государственном хозяйстве, читанных его императорскому высочеству великому князю Михаилу Александровичу в 1900-1902 годах / С.Ю. Витте. — Предисл. Мст. П. Афанасьев. - М.: Издательство Юрайт, 2011. - 629 с. С-515., Харрод, Р.Ф. К теории экономической динамики - М.: Гелиос АРВ. - 1999. - 168 с. С. 143-147., Хансен, Э.Х. Денежная теория и финансовая политика. - М.: Дело, 2006. - 312 с.С. 279., Бароновская М.Г. Суверенные фонды благосостояния: институциональная организация и роль на мировом финансовом рынке // Вестник экономической интеграции. - 2010. - №8. - С. 143-148., Казакевич, П.А. Организационные аспекты деятельности суверенных фондов благосостояния / П.А. Казакевич // Дайджест-Финансы. - 2009. - № 3 (171). - С. 33-41., Левченко, А.В. Суверенные инвестиционные фонды как стабилизаторы национальных экономик / А.В. Левченко // Вестник Финансового университета. - 2011. - № 1. - С. 67-75., Навой, А.В. Резервный фонд и Фонд национального благосостояния России в международной системе суверенных фондов / А.В. Навой, Л.И. Шалунова // Деньги и кредит. - 2014. - №2. - С. 26-33., Васин Е.А. Повышение эффективности управления суверенными фондами в Российской Федерации: дис. канд. эк. наук: 08.00.10 / Васин Евгений Александрович. - М., 2015. - С. 16., Сухарев, А.Н. Стабилизационные фонды: международный финансово-экономический аспект / А. Н. Сухарев // Финансы и кредит. - 2010. - №20 (404). - С. 32-40., Золотарева, А.Б. Перспективы создания стабилизационного фонда в РФ / А.Б. Золотарева, С.М. Дробышевский, С.Г. Синельников-Мурылев, П.А. Кадочников. - М.: Институт экономики переходного периода, 2001. - 83 с., Кудряшов, В.В. Суверенные фонды в международно-правовом и институциональном контексте глобальной финансовой архитектуры / В.В. Кудряшов. - М.: Финпол, 2010. - 215 с., Данилина, М.В. Особенности суверенного фонда благосостояния ОАЭ инвестиционного управления Абу-Даби / М.В. Данилина // Национальные интересы: приоритеты и безопасность. - 2011. - № 10. - С. 62-68., Келимбетов К.Н. Роль суверенных фондов в обеспечении устойчивой международной конкурентоспособности Казахстана. Автореферат. диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Москва 2017. 54 с.

⁵ Вахобов А. В., Худякова Н. К. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. Ч. 1. - Т.: Университет, 2003. - 276 с.; Вахобов А., Жумаев Н., Хошимов Э. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш йўллари. - Т.: Akademnashr, 2009. - 144 б.; Вахобов А., Хажибакиев Ш., Муминов Н. Хорижий инвестициялар: Ўқув қўлланма / и.ф.д., проф. А. В. Вахобовнинг умумий таҳрири остида. - Т.: Молия, 2010. - 328 бет.; Вахобов А.В., Маликов Т.С. Молия. /Дарслик - Т.: Noshir, 2011. - 316 б., Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Х. Молия: умумдавлат молияси. / Ўқув қўлланма. - Тошкент: "Iqtisod-moliya", 2009. - 556 б., Атаниёзов Ж.Х., Алимардонов Э.Д. Халқаро молия муносабатлари. /Дарслик. - Т.: "Iqtisod-moliya", 2014. - 556 б., Султонбоева М. Ўзбекистонда инвестиция фондларини ривожлантиришнинг концептуал жиҳатлари. Иқт. фан. док. ...дисс. автореф. - Тошкент, 2018. - 65 б.

масаласи алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг “Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” мавзусидаги стратегик илмий тадқиқот йўналишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармаси молиявий маблағларидан самарали фойдаланишга доир таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

суверен фондларнинг иқтисодий моҳияти, таснифланиши ва фаолият хусусиятларини назарий жиҳатдан ўрганиш;

суверен фонд сифатида мамлакатимизда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш;

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси молиявий маблағлари шаклланиши ва улардан фойдаланиш амалиётини таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолият самарадорлигини баҳолаш;

Тикланиш ва тараққиёт жамғармалари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги илғор хориж тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш;

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси молиявий барқарорлигини таъминлаш ва маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг фаолияти билан боғлиқ молиявий-иқтисодий муносабатлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида гуруҳлаш, таққослаш, индукция ва дедукция, иқтисодий-статистик усуллар, эмпирик таҳлил, қиёсий таҳлил, эконометрик таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жамғарма даромадлари барқарорлигини таъминлашда олтиннинг чегара нархдан жаҳон нархининг ошиши ҳисобига шакллантириладиган механизмдан воз кечиб, олтин қазиб олувчи корхоналарнинг бюджетга тушадиган маблағларидан маълум бир фоизини Жамғармага йўналтириш таклиф этилган;

жамғарма молиявий маблағларидан самарали фойдаланиш юзасидан тижорат банклари устав капиталидаги Жамғарманинг улушини IPO ва SPO амалиёти воситасида камайтириш таклиф этилган;

жамғарманинг молиявий маблағларидан фойдаланишнинг аниқ манзиллилигини таъминлаш, халқаро суверен фондлар рейтингига киришига

эришишга қаратилган шаффофликни таъминлаш тизими такомиллаштирилган;

жамғарма маблағлари ҳисобидан тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармасини ташкил этиш таклиф этилган ҳамда жамғарма фаолияти самарадорлигини баҳолаш меъзонлари ишлаб чиқилган;

жамғарма маблағларидан самарали фойдаланиш учун маблағларни кредит ресурслари сифатида йўналтирилганда давлат улушига эга бўлган банклар билан бирга барча тижорат банклари иштирокини таъминлаш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг молиявий ҳисоботларини миллий фаровонлик суверен фондларнинг халқаро стандартларга мувофиқ эълон қилиш таклиф этилган;

жамғарма маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган инвестицион лойиҳалар бўйича ўрта муддатли инвестициялаш стратегиясини қабул қилиш амалиёти таклиф этилди;

хорижий тажрибага асосланган ҳолда жамғарма фаолиятини самарали ташкил қилиш ва жамғарма молиявий маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлигини баҳоловчи мезонлар ва кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилган;

жамғарма томонидан ажратилган молиявий маблағларнинг самарали мониторингини олиб бориш мақсадида умумий фискал баланс доирасида давлат дастурларини кредитлаш бўйича Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси консолидациялашган бюджети ва амалиётларини аниқ ҳисобга олишни жорий этиш механизми белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда иқтисодчи олимларнинг мавзуга оид илмий-назарий қарашларининг қиёсий ва танқидий таҳлили, илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш натижаларига ҳамда расмий статистик маълумотларига, шунингдек, Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки гуруҳи, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маълумотларига шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлилига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти суверен фондлар, хусусан Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятини самарали ташкил этиш, умуман суверен фондлардаги молиявий муносабатларга доир махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда ҳамда иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртларида “Молия”, “Давлат молиясини бошқариш”, “Молия бозори” каби фанларни ўқитишда қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларнинг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг молиявий барқарорлик даражасини оширишга, шунингдек молиявий

маблағларидан самарали фойдаланиш орқали мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси молиявий маблағларидан самарали фойдаланиш йўллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

олтин қазиб олувчи корхоналардан бюджетга тушадиган маблағлар 30 фоизини Жамғармага йўналтириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли Қарорида ўз аксини топган. (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 15 апрелдаги ДС/03-02-32/2333-сон маълумотномаси) Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши 2019 йилда жамғарма маблағлари 200 млн. АҚШ доллардан ортиқ миқдорга камайишининг олди олинган;

банклар устав капиталидаги Жамғарманинг улушини камайтириш бўйича ишлаб чиқилган таклифи “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” бўйича Давлат дастурига киритилган (“Тараққиёт стратегияси” марказининг 2019 йил 11 февралдаги 302/19-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф натижасида Жамғарма маблағларидан самарали фойдаланиш ва банк тизимида соғлом рақобатни ривожлантириш имконияти яратилган;

жамғарманинг молиявий маблағлари тўғрисидаги маълумотлар ошқоралигини таъминлаш бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 1 февралдаги 77-сонли “Айрим маълумотларни расман эълон қилиш бўйича чекловларни олиб ташлаш тўғрисида”ги Қарорининг 1-қисмида ўз аксини топган. (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 15 апрелдаги ДС/03-02-32/2333-сон маълумотномаси) Натижада жамғарма фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, маблағларидан самарали фойдаланишни назорат қилиш ҳамда мамлакат инвестицион салоҳиятини намойиш этишга имконият яратган;

жамғарма маблағлари ҳисобидан тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармасини ташкил этиш ҳамда жамғарма фаолияти самарадорлигини баҳолаш меъзонлари бўйича ишлаб чиқилган таклиф “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” бўйича Давлат дастурида ўз аксини топган. (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 15 апрелдаги ДС/03-02-32/2333-сон маълумотномаси) Мазкур таклиф натижасида республика иқтисодиётида ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтириш, рақобатбардошлигини янада ошириш, тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни ошириш, Жамғарма фаолиятига умумий баҳо бериш имконияти яратилган.

Жамғармадан ажратиладиган кредит ресурсларидан фойдаланишда барча тижорат банклари иштирокини таъминлаш бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4233-сонли “Валюта операцияларини тартибга солишнинг бозор механизмларини жорий қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида ўз

аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 15 апрелдаги ДС/03-02-32/2333-сон маълумотномаси). Натижада тижорат банклари ўртасида соғлом рақобат таъминланишига ва Жамғарма маблағлари иштирокидаги инвестиция лойиҳалар самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та, жумладан 4 та республика ва 8 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та илмий мақола, жумладан 5 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 12 та маъруза тезислари нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертациянинг ҳажми 145 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган илмий тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва жорий қилиниши очиб берилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Иқтисодий тарққиётни таъминлаш мақсадида суверен фондлар фаолиятининг назарий ва ташкилий асослари”** деб номланган биринчи бобида иқтисодий тараққиётни таъминлашда суверен фондлар фаолиятининг назарий жиҳатлари, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятининг ташкилий хусусиятлари ва ҳуқуқий асослари, суверен фондлар фаолияти бўйича илғор хориж тажрибалари тадқиқ қилинган. Тадқиқот вазифаларидан келиб чиққан ҳолда назарий хулосалар ифодаланган.

Охириги пайтларда иқтисодчилар томонидан “суверен фаровонлик фонди”, “суверен бойлик фонди” “суверен фонд”, “миллий фаровонлик фонди”, “барқарорлаштириш фонди”, “давлат молия захираси”, “тараққиёт фонди” ва шунга ўхшаш бўлган бошқа иқтисодий тушунчалар кўп қўлланилмоқда. Бу борада назарий тадқиқотлар кўрсатадики, бундай фондлар тўғрисидаги тушунчаларда ягона ёндашув мавжуд эмас. “Суверен фонд” атамасини илк бора қўллаган иқтисодчи А.Розанов суверен фондларни давлат инвестиция фондлари сифатида таърифлаган ва пул-кредит сиёсатини амалга ошириш доирасида фойдаланиладиган олтин-валюта захиралари ва давлат пенсия фондларидан функционал фарқларига эътибор қаратганб.

Тадқиқотларга кўра, суверен фондларни қолган давлат молия захираларидан ажратишда асосий жиҳатлар бюджет харажатларини ва миллий валюта курсини барқарорлаштириш; келгуси авлодлар учун жамғармалар шакллантириш; мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш.

М.Г.Баронова фикрига кўра, “суверен фонд – фуқароларнинг асосий конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш, ижтимоий аҳамияти юқори бўлган, билимга асосланган ва иқтисодий самарадор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда бюджет дефицитини молиялаштириш мақсадида давлат томонидан фойдаланиладиган пул маблағларининг алоҳида жамғармаси ҳисобланади”⁷. Бундан суверен фондларнинг барқарорлаштириш хусусиятини кўпроқ очиб беришга ҳаракат қилинган.

⁶ Rozanov, A. Who holds the wealth of nations? / A. Rozanov // Central Banking Journal. — 2005. May. — Volume XV.- Number 4. -P. 52-57.

⁷ Бароновская М.Г. Суверенные фонды благосостояния: институциональная организация и роль на мировом финансовом рынке // Вестник экономической интеграции. – Москва, 2010. - № 8. — С. 143-148.

Бюджет профицити назариясининг ривожланишига муносиб ҳисса кўшган С.Ю.Витте “бюджет профицити захира фондларида сақланиши мақсадга мувофиқлигини таъкидлаб, солиқ юкини пасайтиришда ёки давлат қарзини қоплашда зарурлигини алоҳида қайд этади”⁸. Мазкур жиҳатлар ривожланаётган давлатларда суверен фондлар бюджетнинг нормал фаолият кўрсатиши учун шартлигини кўрсатади.

Р.Ф.Харроднинг фикрига кўра: “Суверен фондлар фаолият кўрсатиши циклларга қарши бюджет сиёсатининг мақсадларига эришиш ва вазибаларини бажаришга йўналтирилган бўлиши лозим бўлиб, бунда фонд маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш давлат томонидан юритиладиган монетар сиёсат билан боғланган бўлиши лозим”⁹. Бунда энг муҳим жиҳат фонднинг маблағлари иқтисодиёт учун инқирозли бўлган даврларда солиқларни пасайтиришга, ижтимоий аҳамиятга молик ишларни молиялаштиришга, бюджет тақчиллигини қоплашга сарфланиши лозим.

Э.Х.Хансен суверен фондларни мамлакатда пул массасини тартибга солиш учун восита сифатида кўриб чиққан¹⁰. Унга кўра, суверен фондларнинг асосий вазифаси миллий валюта барқарорлигини таъминлаш ва харид қобилиятини ошириш бўлиб, бу аҳоли реал даромадлар ўсишини рағбатлантиради. Натижада суверен фондлар маблағлари дастлабки ва асосий таъсир объекти валютанинг харид қиймати ҳисобланади.

Назарий тадқиқотлар ва муаллифлик ёндашувлари ҳамда мулоҳазалар асосида қуйидаги жадвални шакллантирилди (1-жадвал).

1-жадвал

Суверен фондлар ҳақидаги назарий қарашларнинг ривожланиш босқичлари¹¹

Босқичлар	I	II	III	IV
Иқтисодчилар	С.Ю. Витте	Э.Х. Хансен	Р.Ф. Харрод	Э.Сожли, В.Т.Винг
Фонд ташкил қилишнинг шарт-шароитлари	Бюджет даромадлари манбаларининг диверсификацияси паст	Тўлов баланси тебранишлари	Саноат цикли босқичлари	Фонд бозоридаги ўзгарувчанлик
Фонд маблағлари ёрдамида таъсир кўрсатиш объекти	Бюджет тизими ҳолати	Ички пул тизими ҳолати	“Харид кучи” - самарали талаб	Миллий ва халқаро молия бозори ҳолати
Макроиктисодий самара	Фискал	Монетар	Фискал ва монетар	Фискал ва монетар
Инфляцияга таъсир	Ишончли саноат ўсиши, бюджет тақчилигининг тугатилиши	Миллий валютанинг кучайтирилиши	Фоиз ставкаларининг пасайтирилиши	Очиқ бозордаги операцияларнинг фаоллашуви

⁸ Витте, С.Ю. Конспект лекций о народном и государственном хозяйстве, читанных его императорскому высочеству великому князю Михаилу Александровичу в 1900-1902 годах / С.Ю. Витте. — Предисл. Мст. П. Афанасьев. — М.: Издательство Юрайт, 2011. — 629 с. С-515

⁹ Харрод, Р.Ф. К теории экономической динамики / Р.Ф. Харрод. — М.: Гелиос АРВ. - 1999. -168 с. С. 146

¹⁰ Хансен, Э.Х. Денежная теория и финансовая политика / Э.Х. Хансен. - М.: Дело, 2006. - .С. 279

¹¹ Муаллифлар ёндашувлари асосида тайёрланди.

Юқоридагилар суверен фондларнинг якуний шаклланган таснифи йўқ, деб хулоса чиқаришга имкон беради. Чунки фондларнинг турлари ва шакллари узлуксиз ривожланишда бўлади.

Назарий таҳлиллар натижаси сифатида суверен фонд тушунчасига муаллифлик таърифи келтирилди: **Суверен фонд** – миллий иқтисодиёт тараққиёти ва халқаро рақобатдошлигини таъминлаш мақсадида товарлар экспортидан келадиган даромаднинг, бюджет профицити, олтин валюта ва бошқа резервларнинг бир қисмини жалб этиш орқали давлат томонидан шакллантириладиган ва ундан самарали фойдаланишни таъминлайдиган марказлашган фонддир.

Суверен фондларни ташкил этишда уларни молиявий маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш жараёни стратегик мувофиқлик, маблағларни шакллантириш ва фойдаланишнинг тўлиқлиги, самарали бошқарув ва инвестициялаш, ижтимоий жавобгарлик, мустақиллик, шаффофлик каби принциплар асосида амалга оширилиши лозим.

Бугунги кунда мамлакатимизда суверен фонд сифатида фаолият юритаётган Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 2006 йил 11 майдаги ПФ–3751-сонли Фармонида мувофиқ ташкил этилган. Жамғарма Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги молиявий муассаса бўлиб, фаолиятининг асосий мақсади иқтисодиётнинг етакчи, энг аввало базавий тармоқларини модернизациялаш ва техникавий қайта қуроллантириш бўйича лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек мамлакатни муттасил, барқарор ва мутаносиб равишда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эришиш ҳамда самарали таркибий ва инвестициявий сиёсатни амалга оширишдан иборат¹².

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш принциплари тўғрисидаги Низомга асосан Жамғарма даромадлари ва харажатлар йўналишлари белгиланган (2-расм).

Жаҳон иқтисодиётида суверен фондлар фаолиятини таҳлил қилиш асосида ҳар бешинчи давлат ўзининг суверен фондига эгаллиги, суверен фондлар жами активларининг қарийб 90 фоизини 25 фоиз давлатлардаги суверен фондларда йиғилганлиги, ресурсларга боғланиб қолмаган давлатларда юзага келадиган суверен фондлар сонининг ўсиб бориши, тобора кўп сонли фондлар хомашё билан боғлиқ бўлмаган манбалар ҳисобига шакллантирилаётганлиги, суверен фондлар инвестицион портфелининг структураси риск/даромадлилик кўрсаткичининг энг яхши уйғунлашуви ҳисобига рискли активлар томон ўзгараётганлиги, инфратузилма фондлар фаолиятига жиддий эътибор қаратилаётганлиги, МДХ давлатларидан энг катта активларга эга суверен фондлар Қозоғистон ва Россия Федерациясига тўғри келишига гувоҳ бўлиш мумкин¹³.

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 2006 йил 11 майдаги ПФ–3751-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 19-сон, 161-модда.

¹³ Муаллиф томонидан 2-иловада келтирилган маълумотлар таҳлили асосида чиқарилган хулосалар.


Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари шаклланиш манбалари ва харажатлар



1-расм. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари шаклланиш манбалари ва харажатлари йўналишлари¹⁴

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-350 –сонли Қарори асосида тайёрланди

2008 йилда суверен фондлар активлари 3,07 трлн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2018 йилнинг март ойида 2 мартадан зиёд ўсиб, 7,45 трлн. АҚШ долларини ташкил этди (5-расм).



2-расм. Жаҳонда суверен фондлар активларининг динамикаси¹⁵, трлн. АҚШ доллариди

Шундан 4 трлн. АҚШ долларидан ортиғи ёки жами активларнинг 54 фоизи нефть ва газ экспорти ҳисобига шакллантирилган суверен фондлар ҳиссасига қолган 46 фоизи ёки 3,5 трлн. АҚШ долларга яқин активлар бошқа манбалар ҳисобига шакллантирилган фондларга тўғри келади.


Диссертациянинг “Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятининг амалдаги ҳолати таҳлили” деб номланган иккинчи бобида Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси молиявий маблағлари шаклланиши таҳлили, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси молиявий маблағларидан фойдаланиш ҳолати ва фаолият самарадорлиги таҳлил қилинган.

Жамғарма жами даромадлари 2012 йилда 4 388,14 млн. АҚШ долларини, 2013 йилда мос равишда 1 958,15 млн. АҚШ долларини, 2014 йилда 1 552,73 млн. АҚШ долларини, 2015 йилда 910,13 млн. АҚШ долларини, 2016 йилда 1 114,56 млн. АҚШ долларини, 2017 йилда 708,97 млн. АҚШ долларини, 2018 йилда 748,97 млн. АҚШ долларини ташкил этгани ҳолда жамғарма жами даромадлари 2018 йилда 2012 йилга нисбатан 5,59 мартагача камайганлигини кузатишимиз мумкин.

Жамғарма даромадлари таркибида стратегик ресурсларга белгиланадиган чегара нархдан жаҳон нархининг ошиши натижасида тушадиган маблағлар асосий ўринни эгаллайди (3-расм). Жамғарма даромадлари таркибида стратегик ресурсларга белгиланадиган чегара нархдан жаҳон нархининг ошиши натижасида тушадиган маблағларга яъни конъюктура даромадларининг жами даромадлардаги улуши 2012 йилда 45,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 51 фоизга тенг бўлган. 2013 йилда конъюктура даромадлари жами даромадларнинг 67 фоизини

¹⁵ www.preqin.com/SWF18. Preqin special report: Sovereign wealth funds. August 2018

ташкил этган. Бундан хулоса қилишимиз мумкинки жамғарма даромадларининг конъюктура даромадларига боғлиқлик даражаси юқори. Бу эса жамғарма молиявий барқарорлиги билан боғлиқ рискни оширади.



3-расм. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари таркиби¹⁶

Дунё тажрибасида ривожланган суверен фондларнинг асосий даромадларини активларни бошқаришдан олинган даромадлар ташкил этади. Бизда активларни бошқаришдан даромадлар сўнги йилларда ошган ҳолда жамғарма даромадларининг 48,8 фоизини ташкил этганини кўришимиз мумкин. Жамғарманинг бўш ресурсларини хорижий банк депозитларига жойлаштиришдан тушумлар ва тижорат банкларининг устав капиталида жамғарма улуши бўйича дивидендлар сўнги йилларда ўсиш тенденциясига эга. Яъни 2012 йилда жамғарма бўш ресурсларни хорижий банк депозитларига жойлаштиришдан 136,21 млн. АҚШ доллари миқдорида даромад олган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 174,6 млн АҚШ долларига тенг бўлган ёки 31,1 фоиз ошган. Тижорат банкларининг устав капиталида жамғарма улуши бўйича дивидендлар ҳисобига 2012 йилда 920 минг АҚШ доллари миқдорида даромад олган бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткич 13,9 млн. АҚШ долларини ташкил этган ёки 15 мартага ошганини кўришимиз мумкин. Бироқ дивиденд бўйича даромадлар жамғарма даромадларининг 1,8 фоиз (2018 йилда)ни ташкил этган¹⁷.

Стратегик ресурслар таркибида эса олтинни ташқи бозорда сотишда белгиланадиган чегара нархидан жаҳон бозоридаги нархининг ошиши натижасида тушадиган тушумлар энг катта улушга эга ҳисобланади (3-расмга қаранг). Жамғарма конъюктура даромадларининг асосий қисмини олтинни

¹⁶ Жамғарма молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

¹⁷ Жамғарма молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

ташқи бозорда сотишда белгиланадиган чегара нархидан жаҳон бозоридаги нархининг ошиши натижасида тушадиган тушумлар ташкил этгани ҳолда 2012 йилда конъюктура даромадларининг 89,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 87,1 фоизни ташкил этган (3-расм).

Жамғарма томонидан асосан 9 та йўналиш бўйича харажатлар амалга оширилади. Бунда жамғарма томонидан амалга ошириладиган асосий харажат давлат инвестиция дастурларидаги инвестиция лойиҳаларни молиялаштириш ҳисобланади (4-расм).



4-расм. Жамғарманинг давлат инвестиция дастуридаги лойиҳаларини молиялаштиришга ажратган маблағлар динамикаси¹⁸

4-расм маълумотларидан ҳам кўришимиз мумкинки, 2012 йилда жамғарма харажатлари 751,57 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, шундан 733,49 млн. АҚШ доллари ёки 97,6 фоизи давлат инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган. 2018 йил жамғарма харажатлари 1459,2 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, шундан 1458,7 млн. АҚШ доллари ёки деярли 100 фоизи инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилган.

Жамғарма харажатларининг олдинги йилга нисбатан ўзгаришини қарайдиган бўлсак, 2013 йил ва 2014 йилларда пасайган ва бошқа даврларда ўсишини кузатишимиз мумкин. 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 32,1 фоизга кўп харажат қилинганини кўришимиз мумкин.

2018 йилда мамлакатимизда 33855 млрд. сўмлик марказлаштирилган инвестициялар молиялаштирилган бўлса, шундан 7552 млрд. сўми жамғарма ҳиссасига тўғри келади¹⁹. Бу 2017 йилга нисбатан қарийб 2,7 мартага ошган. Жамғарма молиявий маблағларидан фойдаланиш мутлоқ кўрсаткичда кескин ўсиши кузатилган бўлсада, марказий инвестициялардаги улуши ўтган йилга нисбатан 4,4 пунктга ошгани ҳолда 22,3 фоизни ташкил этган.


¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги ПҚ-3705-сонли Қарори асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Яна шуни қайд этиш керакки марказлашган инвестицияларда жамғарма маблағлари йиллар давомида ўсиш тенденциясига эга ҳисобланади. Шунга қарамай жамғарманинг инвестициядан келадиган даромадлари паст даражада сақланиб қолаётганлиги салбий баҳоланади.

Мамлакатда йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш ва чет эл инвестицияларини фаол жалб қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилиши билан бирга, мазкур соҳадаги фаолиятнинг самарадорлигига, энг аввало, мавжуд ресурслардан ноқилона фойдаланиш, инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги ва рентабеллиги юзаки ўрганилганлиги билан боғлиқ қатор камчиликлар салбий таъсир кўрсатмоқда (5-расм).

5-расмдаги маълумотлардан кўриш мумкинки, Жамғарма томонидан Давлат инвестиция дастурида белгиланган инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш 2013 йилда 93,9 %га бажарилиб, 47,92 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилмаган. 2014 йилда инвестиция дастурини бажарилиши 52,7 %ни ташкил этгани ҳолда, 405,68 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилмаган. 2015 йилда бу кўрсаткич 65,7%ни ташкил этиб, 269,1 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилмаганини кўришимиз мумкин бўлади. 2016 йилда жамғарма ҳисобидан инвестиция дастурида кўрсатилганидан 15,3%га кўпроқ маблағ ёки 942,83 млн. АҚШ доллари инвестицияларни молиялаштиришга йўналтирилган. 2017 йил инвестиция дастурида кўрсатилган жамғарма ҳисобидан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларига режадан 39,5 %га ортиқ ёки 1103,95 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирилган.



5-расм. Жамғарманинг давлат инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш режасининг бажарилиш ҳолати²⁰

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси молиявий ҳисоботлари ва Давлат инвестиция дастурлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида Жамғарманинг роли катта эканлигини юқоридаги таҳлилларимиздан кўрдик. Энди Жамғарма томонидан қилинган харажатларнинг ЯИМ ўсишига боғлиқлигини баҳолаймиз. Бунда мамлакат ЯИМ ўсишига бошқа омиллар ўзгармаган ҳолда 5 та омилни таъсирини баҳолаш орқали ЯИМ ўсишига қайси омил таъсир этиш ёки этмаслик даражасини ўрганамиз. Бу боғлиқликни баҳолашда СТАТА 15.1 дастуридан фойдаланиб корреляцион ва регрессион боғлиқликни ўрганамиз. Буни қуйидагича ифодалаймиз:

$$\text{ЯИМ ўсиши} = \text{Constant} + \beta_1 \text{Аҳоли ўсиши} + \beta_2 \text{Жамғарма харажатлари} + \beta_3 \text{ХБИ} + \beta_4 \text{Иқтисодий очиқлик} + \beta_5 \text{Инфляция даражаси}$$

Бунга кўра омиллар сифатида аҳоли ўсиши, Жамғарма харажатлари, хорижий инвестиция оқими даражаси, иқтисодиётнинг очиқлик даражаси ва инфляция даражасини оламиз.

Хорижий инвестициялар оқими даражасини мамлакатга жалб этилган хорижий инвестицияларнинг ЯИМга нисбати билан аниқлаймиз. Иқтисодиётнинг очиқлик даражасини эса мамлакат ташқи савдо айланмасининг ЯИМга нисбати билан аниқлаймиз. Юқорида келтирилган омиллар бўйича 2007-2017 йиллар маълумотларни умумлаштирган ҳолда СТАТА 15.1 дастурига киритган ҳолда ҳисоблаб чиқамиз. Ҳисоб китоблардан, шундай хулосага келишимиз мумкинки, ЯИМнинг ўсиш суъратини ошишига таҳлил қилинган омиллардан хорижий бевосита инвестициялар оқими, иқтисодий очиқлик кўрсаткичи билан бир қаторда жамғарма харажатларининг ўзгариш даражаси ҳам таъсир кўрсатади, яъни жамғарма харажатларини 1 фоизга ошиши мамлакат ЯИМ ўсиш суъратини 3,2 фоизда оширади²¹.

Бунда статистик хатолик даражаси $p < 0,05$ га тенг бўлиб, бу жамғарма харажатларининг ЯИМ ўсиш суъратига таъсир этиш даражаси 95 фоиздан юқори эканлигини аниқлатади. Демак Жамғарма харажатларини ошиши мамлакат ЯИМ ўсишига хизмат қилади.

Диссертациянинг **“Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси молиявий барқарорлигини таъминлаш ва маблағларидан самарали фойдаланиш йўллари”** деб номланган учинчи бобда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари, Жамғарма маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш йўллари тадқиқ қилинган ҳамда илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Жамғарма мамлакат барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг кафолати ва мамлакат етакчи тармоқларини ривожлантириш учун албатта барқарор молиявий ресурсларга эга бўлиши лозим. Жамғарма даромадларини шакллантиришнинг жорий механизми жамғарма даромадларини барқарор даражада сақланиб қолиши ва келажакда ўсишини таъминлай олмайди.

²¹ Жаҳон банки, ХВФ ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маълумотлари асосида СТАТА 15.1 дастурида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилди.

